

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/27.02.2020.B.01.15 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ОДИЛОВ САРВАР АКРАМОВИЧ

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ СУВ РЕСУРСЛАРИДАН БАРҚАРОР
ФЙДАЛАНИШНИНГ ЭКОЛОГИК ЖИХАТЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА
БАҲОЛАШ**

**11.00.05 – Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона
фойдаланиш**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Одилов Сарвар Акрамович

Сирдарё вилояти сув ресурсларидан барқарор фойдаланишнинг
экологик жиҳатларини аниқлаш ва баҳолаш..... 3

Одилов Сарвар Акрамович

Определение и оценка экологических аспектов устойчивого
использования водных ресурсов Сырдарьинской области..... 21

Odilov Sarvar Akramovich

Determination and assessment of environmental aspects of sustainable use
of water resources of Syrdarya region..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/27.02.2020.B.01.15 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ОДИЛОВ САРВАР АКРАМОВИЧ

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ СУВ РЕСУРСЛАРИДАН БАРҚАРОР
ФЙДАЛАНИШНИНГ ЭКОЛОГИК ЖИХАТЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА
БАҲОЛАШ**

**11.00.05 – Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона
фойдаланиш**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2023

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2023.2.PhD/В961 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кулматов Рашид Анарович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Бахтиёр Қурамбоевич
биология фанлари доктори, профессор

Буриев Салимжон Самеджанович
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузурдаги илмий даражалар берувчи DSc.03/27.02.2020.B.01.05 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2024 йил «06» январ куни соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси 4-уй, Ўзбекистон Миллий университетининг Экология факультети биноси, 2-қават, 203-хона. Тел.: (+99871-246-67-72).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (185-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси 4-уй, Тел.: (+99871-246-67-72).

Диссертация автореферати 2023 йил «15» декабр куни тарқатилди.

(2023 йил «15» декабрдаги 16-рақамли реестр баённомаси).



Раҳимова Тўра Узоқовна
Илмий даража берувчи бир марталик
Илмий кенгаш раиси, биология
фанлари доктори, профессор

Аллабердиев Рустамжон Хамраевич
Илмий даража берувчи бир марталик
Илмий кенгаш котиби, биология
фанлари номзоди, доцент

Жаббаров Зафар Абдукаримович
Илмий даража берувчи бир марталик
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида сув ресурсларига бўлган эҳтиёжнинг ортиши ва ундан оқилона фойдаланмаслик ҳамда антропоген омилларнинг салбий таъсири натижасида сув ресурсларининг хоссалари, экологик ҳолатининг ўзгариши, ифлосланиш индексларининг ортишига олиб келмоқда. Бу эса, ҳозирги иқлим ўзгаришлари шароитида сув ресурсларининг етишмаслигига, ундан барқарор фойланишга эришиш истиқболларининг ўзгаришига ва жаҳон миқёсида жиддий экологик ҳамда ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан, сув ресурсларининг миқдор ва сифат ўзгаришларини аниқлаш ва баҳолаш, унга таъсир этаётган омилларни ўрганиш, муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда сув ресурсларидан барқарор фойдаланиш, ер усти ва ер ости сув ресурсларининг сифат ва миқдорий ўзгаришларини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, сув ресурсларининг ифлосланиш индексларини, сизот сувлари сатҳи ва минераллашуви даражаларини ва суғориладиган ерларда ҳосил бўлган коллектор-зовур сувларининг миқдор ва сифат таркибини аниқлаш ҳамда геоахборот технологиялари асосида баҳолашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда аҳоли эҳтиёжи ва талабларидан келиб чиқиб, сув ресурсларидан барқарор фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, биргина 2019 йилда 11057 гектар майдонда томчилатиб суғориш технологияси жорий қилинди. 2023 йилга келиб аҳолини марказлашган ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 74,4 фоизга, оқова сув чиқариш хизмати 18,9 фоизга етказилди¹.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномасида «экология, айниқса, сув масалалари глобал муаммога айланиб бораётгани, дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам сув етишмаслиги, қурғоқчилик, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, сув ҳавзалари ва ер ости сув захираларини муҳофаза қилиш»² вазифалар белгилаб берилган. Ушбу мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, сув ресурсларидан барқарор фойдаланишнинг экологик жиҳатларини аниқлаш ҳамда баҳолаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги ПФ-5863-сон «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 11 августдаги ПҚ-4801-сон «Жиззах ва Сирдарё вилоятларида сув

¹ Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги йиллик ҳисоботари. 2019-2023 йиллар. Электрон кириш: <https://suvchi.gov.uz>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси. Электрон кириш: <https://president.uz/uz/lists/view/5774>.

ресурсларидан самарали фойдаланиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳоннинг кўплаб хорижий мамлакатларида сув ресурлари муаммолари, уларни муҳофаза қилиш, сифат ва миқдор ўзгаришларини аниқлаш ҳамда баҳолаш бўйича қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Ушбу тадқиқотлар K.Choudhury (2001), F.Quiel (2003), S.Соломон (2006), J.Schutter (2011), C.Opp (2013; 2016), S.M.Sadat-Noori (2014), A.D.Werner (2014), L.K.Morgan (2014), T.R.Nayak (2015), A.Fadili (2015), M.Groll (2016), T.Gleeson (2016), K.M.Befus (2016), A.M.Ermeni (2016), M.Romic (2018), I.Soliyev (2018), Abi Stone (2019), C.Herbet (2019), P.Doll (2019), W.Zhang (2019), J.Abuduwaili (2019), P.Mondal (2020), Qi Jianguo (2020) каби хорижий олимлар томонидан олиб борилган.

МДХ мамлакатларида иқлими ўзгаришлари шароитида сув ресурлари ҳолати, сизот сувлари сатҳи ва минераллашувининг турли омилларга нисбатан ўзгаришлари ва трансчегаравий сув ресурслари ҳамда уларни муҳофаза қилиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Мазкур тадқиқотлар Ю.Широкова (1999), А.К.Чернишов (1999), Т.Ососкова (2000), Б.В.Боревский (2003), Л.С.Язвин (2003), В.Духовный (2007), В.И.Соколов (2015; 2018), Г.Ч.Донбаева (2016), М.М.Бураков (2016), С.В.Осипов (2016), Е.И.Панкова (2018), Е.Чембарисов (1996) ва бошқа олимларнинг ишларида ўз ифодасини топган.

Ўзбекистонда ер усти сувлари ҳолати, сифат ва миқдор ўзгаришлари, улардан оқилона фойдаланиш йўллари ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар Ф.Ҳикматов (2003), Д.П.Айтбоев (2003), А.Насриддинов (2008), Р.Эшчанов (2008), Х.Э.Якубов (2011), А.Эргашев (2011), Т.Э.Мавлянов (2011), Б.Каримов (2011; 2014; 2019), П.Т.Андакулов (2013; 2018), Т.Эргашев (2016), А.А.Мавлонов (2016), Б.Д.Абдуллаев (2016), М.Х.Хамидов (2017), Р.А.Кулматов (2013; 2014; 2018; 2020), М.Иброҳимов (2019) ва бошқа кўплаб олимлар томонидан амалга оширилган.

Бироқ, ушбу тадқиқот ишларида ер усти ва ер ости сув ресурслари сифати ва миқдори, сув манбалари, суғориш мақсадларида ишлатилаётган сувларнинг миқдори ва сифати, сувнинг ифлосланиш индекслари, сизот сувлари сатҳи, минераллашуви, иқлим ўзгаришларининг таъсири, коллектор-зовур сувларининг миқдор ва сифат ўзгариши динамикалари ҳақида тўлиқ маълумотларни ақс эттирувчи илмий тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган. Шу боисдан сув ресурсларидан барқарор фойдаланишнинг экологик

жиҳатларини аниқлаш ва баҳолаш бўйича тадқиқотларини олиб бориш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг «Ўзбекистон худудларидаги сув ва сув ресурсларидан барқарор фойдаланиш ва унинг экологик жиҳатлари» (2018-2022 йй.) илмий тадқиқот мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Сирдарё вилоятида сув ресурсларидан барқарор фойдаланишнинг экологик жиҳатларини аниқлаш ва баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

вилоят миқёсида суғоришда ишлатилаётган сув ресурсларининг сифат ва миқдор ўзгаришларини баҳолаш ҳамда ифлосланиш индексини аниқлаш;
ер ости сувлари миқдор ва сифат ўзгаришлари динамикасини ўрганиш;
суғориладиган ерларда сизот сувлари сатҳи ва минераллашуви даражалари ўзгаришларини аниқлаш ва баҳолаш;

сизот сувлари минераллашувига иқлим ўзгаришларининг таъсирини баҳолаш ва сизот сувлари минераллашуви даражаларининг ўзгариши бўйича ГАТ технологиялари ёрдамида хариталар ишлаб чиқиш;

суғориладиган ерлардан ҳосил бўлган коллектор-зовур сувларининг сифат ва миқдор ўзгаришлари динамикасини баҳолаш ҳамда улардан қайта фойдаланиш учун тавсия бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Сирдарё вилояти сув ресурслари (ер ости ва ер усти), сизот сувлари ва суғориладиган ерлардан ҳосил бўлган коллектор-зовур сувлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Сирдарё сувининг сифати, сизот сувлари сатҳи, минераллашуви, ер ости сувлари ва суғориладиган ерларда ҳосил бўлган коллектор-зовур сувларининг миқдори ва сифати ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида фотометрик, турбидиметрик, атом-абсорбцион, спектрофотометрик, хроматография, комплексонометрик, статистик, корреляцион ва қиёсий таҳлил ҳамда ГАТ усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор сувнинг ифлосланиш индекслари асосида Сирдарё сувининг экологик ҳолати баҳоланган ва сифат ўзгаришлари асосланган;

ер ости сувларининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари, сизот сувлари сатҳи ҳамда минераллашув даражаларининг ўзгариш динамикаси йиллар кесимида аниқланган;

иқлим омилларининг (ҳаво ҳарорати ва ёғингарчилик) сизот сувлари минераллашув даражаларининг ўзгаришига боғлиқлиги очиқ берилган;

ГАТ технологиялар асосида суғориладиган ерларнинг сизот сувлари минераллашуви даражасини акс эттирувчи электрон хариталар ишлаб чиқилган;

суғориладиган ерлардан ҳосил бўлган коллектор-зовур сувларининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари аниқланган ҳамда сувдан қайта фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

вилоят сув ресурсларининг сифат ва миқдор ўзгаришлари динамикаси аниқланган;

Сирдарё сувининг экологик ҳолати сувнинг ифлосланиш индекслари асосида баҳоланган;

ГАТ технологиялари ёрдамида суғориладиган ерларда сизот сувлари минераллашув даражаларини тавсифловчи электрон хариталар ишлаб чиқилган;

суғориладиган ерлардан ҳосил бўлган кам минераллашган коллектор-зовур сувларидан қайта фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олиб борилган кўп йиллик лаборатория ва дала тажрибаларининг натижалари анъанавий ва замонавий ГАТ технологиялари орқали геостатистик ва интерполяция услублар ёрдамида таҳлил қилинганлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан эътироф этилган, нуфузли хорижий ва республика илмий журналларида чоп этилганлиги, натижаларни амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сувнинг ифлосланиш индекслари асосида Сирдарё сувининг экологик ҳолати баҳоланганлиги, ер ости сувларининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари, сизот сувлари сатҳи ҳамда минераллашув даражаларининг ўзгариш динамикаси аниқланганлиги, иқлим омилларининг (ҳаво ҳарорати ва ёғингарчилик) сизот сувлари минераллашув даражаларининг ўзгаришига боғлиқлиги исботланганлиги, коллектор-зовур сувларининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари аниқланганлиги ҳамда қайта фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти вилоят сув ресурсларининг сифат ва миқдор ўзгаришлари динамикаси аниқланганлиги, Сирдарё сувининг экологик ҳолати сувнинг ифлосланиш индекслари асосида баҳоланганлиги, ГАТ технологиялари асосида суғориладиган ерларда сизот сувлари минераллашув даражаларини тавсифловчи электрон хариталар ишлаб чиқилганлиги, суғориладиган ерлардан ҳосил бўлган кам минераллашган коллектор-зовур сувларидан қайта фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сирдарё вилояти сув ресурсларидан барқарор фойдаланишнинг экологик жиҳатларини аниқлаш ва баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Сирдарё дарёси суви сифати ҳамда ундан фойдаланилган сувнинг йиллар давомида ўзгариш динамикаси ва сувнинг ифлосланиш индекси кўрсаткичлари юзасидан ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Сирдарё вилояти

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазирлигининг 2023 йил 17 февралдаги 03-02/7-447 сон маълумотномаси). Натижада, дарё суви миқдор ва сифат кўрсаткичларига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, сувлардан оқилона фойдаланиш, муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, яшил ҳудудларни ривожлантириш, ҳудуд сув ресурслари ҳолати ва сифатига эътибор берилган ҳолда дарахт ҳамда бута турларини танлаш имконини берган;

вилоят ер ости сув ресурсларининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари ҳамда суғориладиган ерларининг сизот сувлари минераллашув даражаси юзасидан ишлаб чиқилган электрон хариталар Сирдарё вилояти Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазирлигининг 2023 йил 17 февралдаги 03-02/7-447 сон маълумотномаси). Натижада вилоятда аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, сув ресурсларини ифлослантирувчи омилларни аниқлаш ва суғориладиган тупроқлар шўрланишини олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш имконини берган;

суғориладиган ерлардан ҳосил бўлган коллектор-дренаж сувларининг миқдор ва сифат ўзгаришлари асосида ишлаб чиқилган амалий тавсиялар Сирдарё вилояти Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Табиат ресурслари вазирлигининг 2023 йил 17 февралдаги 03-02/7-447 сон маълумотномаси). Натижада сув танқис бўлган йилларда кам минераллашган Боёвут ва Шўрўзак зовур сувларидан маълум миқдорда шўрга чидамли экинларни суғориш мақсадида қайта фойдаланиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси нуфузли хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 97 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари,

олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сув ресурсларидан барқарор фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни илмий-амалий асослари (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида республика ва чет эл мамлакатларида олиб борилган тадқиқот натижалари мавжуд адабиётлар асосида таҳлил қилинган ва ёритилган. Тадқиқот олдига қўйилган мақсаддан келиб чиқиб, сув ресурсларидан барқарор фойдаланиш ва муҳофаза қилиш муаммолари, ер усти ва ер ости сувлари ҳолати, суғориладиган ерларда сизот сувлари сатҳи ва минераллашувини аниқлаш ҳамда баҳолашда геоахборот технологияларининг ўрни, суғориладиган ерларда ҳосил бўлган коллектор-зовур сувлари миқдор ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш ва баҳолашга оид маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлиллари келтирилган.

Адабиётлар таҳлили асосида ва якунида Сирдарё вилояти сув ресурслари сифати ва миқдори, сув ҳосил қилиш манбалари, суғориш мақсадларида ишлатилаётган сувларнинг миқдори ва сифати, сувнинг ифлосланиш индекслари, сизот сувларининг сатҳи, минераллашув ва иқлим омилларининг таъсири, коллектор-зовур сувларининг йиллар давомида миқдор ва сифат ўзгариш динамикалари ҳақида тўлиқ маълумотларни акс эттирувчи илмий тадқиқотлар етарли эмаслигини қайт этилди.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказилган жойнинг табиий географик шароити ва тадқиқот услублари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг географик жойлашуви, иқлим шароитлари, тадқиқот объекти ва предмети ҳамда тадқиқот усуллари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Сирдарё вилоятининг умумий суғориладиган ерлари ўртача 289,13 минг гектар. Сирдарё вилояти суғориладиган тупроқларининг 80% и турли даражада шўрланишга учраган. Иқлими кескин континентал ва қурғоқчил, ёзда юқори ҳарорат, қишда беқарор паст ҳарорат ва ҳароратнинг ойлар ва йиллар давомида кескин ўзгариши билан республиканинг бошқа ҳудудлардан фарқ қилади.


Тадқиқот ишларида Сув хўжалиги вазирлигининг Қуйи ирригация тизимлари хавза бошқармаси мелиорация экспедицияси, Мирзачўл гидрогеологик экспедицияси ҳамда диссертация муаллифи томонидан дала экспедициялари натижасида (2019-2021) олинган 150 тадан ортиқ намуналар “Ўзбекгидрогеология” ДУК ва Навоий кон-металлургия комбинати қошидаги гидрокимё лабораторияларида замонавий физик-кимёвий усуллар ёрдамида анализ қилинган. Вилоят экология, қишлоқ ва сув хўжаликлари бошқармалари таклифи билан суғоришда фойдаланилган сув ресурслари ва ер ости сувларининг миқдор ва сифат ўзгаришлари, сизот сувлари сатҳи ва минераллашув, коллектор-зовур сувлари ҳақидаги 2000-2018 йиллар давомидаги ўзгариш динамикаси баҳоланган ва етарлича статистик қайта ишланиб таҳлил қилинди.

Диссертациянинг **“Вилоят сув ресурсларидан барқарор фойдаланиш ва уларнинг миқдор ва сифат ўзгаришларини аниқлаш ҳамда баҳолаш”**

деб номланган учинчи бобида суғоришда ишлатилган сув ресурслари ва ер ости сувларнинг миқдор ва сифат ўзгаришлари йиллар кесимида, ер ости сувларидан фойдаланиш ва ер ости сувлари миқдори ва сифатига таъсир этувчи техноген омиллар, илк бор суғоришда ишлатиладиган сув ресурсларининг ифлосланиш индекслари аниқланган ва баҳоланган.

Суғоришда фойдаланиладиган сув ресурсларининг миқдор ва сифат ўзгаришлари динамикасини аниқлаш ва баҳолаш. Вилоятда суғорма деҳқончилик энг катта сув истеъмолчиси ҳисобланади ва унда фойдаланиладиган сув ресурслари Сирдарё дарёсидан олинади. Дарё суви нафақат вегетация даврида, балки ҳар йили баҳор фаслида суғориладиган ерларнинг шўрини ювиш учун ҳам ишлатилади.

Тадқиқот натижалари маълум бўлдики, 2000-2021 йиллар давомида вилоят суғориладиган ерлари ва унга сарф бўлган сув ресурслари миқдори катта ўзгаришларга учрамаган. Ушбу йилларда суғориладиган ерлар ўртача 289,13 минг.га ни ташкил этган бўлса, ўртача суғориш мақсадларида ишлатилган сув сарфи 3246,03 млн.м³ (ўртача йил давомида 11,23 млн.м³/минг.га). Суғориладиган ерлар 2009 ва 2010 йилларда энг кўп 292,8 минг.га ни, энг кам 2014 йилда 286,5 минг.га ни ташкил этган (1-расм).



1-расм. 2000-2021 йиллар давомида вилоят суғориладиган ерлари ва суғоришда фойдаланилган сув ресурслари миқдори, (2000-2018 йиллар Сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари)

Суғоришда энг кўп сув сарфи 2007 йилда 3941,6 млн.м³, ушбу йилдаги суғориладиган ерларга нисбатан 13,45 млн.м³/минг.га кузатилган бўлса, энг кам сув сарфи 2009 йилда 2730,1 млн.м³ ушбу йилдаги суғориладиган ерларга нисбатан 9,32 млн.м³/ минг.га тенг бўлган (1-расм).

Сирдарё дарёси суви учун 2000-2020 йиллар давомидаги сифат кўрсаткичлари таҳлиллари шуни кўрсатадики, минераллашувнинг максимал миқдори 2000 йилда 1332,7 мг/л яъни руҳсат этилган меъёр (РЭМ) дан 1,3 баробарга ошган, минимал миқдори эса 2005 йилда 1019,7 мг/л РЭМ дан 1,02 оз миқдорда ошган. Азот нитрат, фенол, мис ва фтор миқдорлари РЭМ дан ошган бўлса, азот аммоний, азот нитрит, нефт маҳсулотлари, хром-VI, темир ва руҳ миқдорлари РЭМ дан ошмаган ва бу яхши кўрсаткич ҳисобланади.

Суғоришда ишлатиладиган сувларнинг ифлосланиш индексларини аниқлаш. Сирдарё дарёси вилоят ер усти сувларининг асосийси ҳисобланади.

Шунинг учун дарё сувини ифлосланишлардан асраш ва муҳофаза қилишда турли кўрсаткичларни аниқлаш ҳамда баҳолаш зарурати туғилади. Ушбу кўрсаткичлардан бири сувларнинг ифлосланиш индекси (СИИ) ҳисобланади.

Ер усти сувлари учун СИИ ни ҳисоблаш қуйидаги формула орқали амалга оширилди.

$$\text{СИИ} = \left(\sum_{i=1}^n \frac{C_i}{\text{РЭМ}_i} \right) / 6, \text{ мг/л}$$

бу ерда, n - ҳисоблаш учун олинган моддаларнинг чекланган сони. Ер усти сувлари учун n = 6; C_i - сувдаги i-чи ифлослантирувчи моддаларнинг миқдори, мг/л (йиллик ўртача); РЭМ_i - ифлослантирувчи моддаларнинг рухсат этилган меъёри.

1-жадвал

**Сирдарё сувининг ифлосланиш индекслари,
(2000–2015 йиллар Ўзгидромет маркази маълумотлари)**

Т/р	Йиллар	Кислород, мгО/л	КБИ ₅ , мгО/л	Фенол, мг/л	Фтор, мг/л	Темир, мг/л	Мис, мг/л	СИИ миқдори, мг/л	Синфи
1	2000	10,99	3,51	0,002	0,656	0,04	0,0011	0,33	II
2	2005	11,67	3,75	0,002	0,541	0,03	0,0021	0,44	II
3	2010	12,59	4,33	0,002	0,598	0,02	0,0033	0,64	II
4	2015	14,15	4,15	0,002	0,698	0,02	0,002	0,49	II
5	2020	13,75	3,86	0,003	0,811	0,02	0,0015	0,57	II
РЭМ		6,0	3,0	0,001	0,75	0,5	0,001		

Сирдарё сувининг ифлосланиш индекслари ҳар беш йил учун 2000-2020 йиллар учун аниқланди. СИИ миқдориغا нисбатан сув сифати II синфга тегишли, яъни инсон таъсири сезиларли, бироқ яхши экологик ҳолати сақланган. Дарё сувидан ичимликдан ташқари халқ хўжалигининг барча соҳаларида фойдаланиш мумкин (1-жадвал).

Ер ости сувларининг миқдор ва сифат ўзгаришларини аниқлаш ва баҳолаш. Вилоят ҳудудида Ховост, Сирдарё, Марказий ва Дўстлик ер ости сувлари конлари (ЕОСК) мавжуд ва ЕОСКнинг майдони вилоят ҳудуди бўйича Дўстлик 34% яъни энг катта қисми, Марказий 30%, Сирдарё 28% ва Ховост 8% яъни энг кичик қисмига тўғри келади (2-расм).


2-жадвал

Вилоят ЕОСКнинг тасдиқланган сув захиралари, минг.м³/кун (2007-2016 йиллар “Ўзбекгидрогеология” ДУК маълумотлари)


ЕОСК номлари	2007	2010	2013	2016	2021
Ховост	3,49	3,49	3,49	3,49	3,49
Сирдарё	550,22	550,22	495,21	495,21	752,22
Марказий	143,45	102,5	102,5	102,5	207,97
Дўстлик	-	-	-	34,36	34,36
Жами	697,16	656,21	601,2	635,56	998,04

Тадқиқот йилларида ЕОСКнинг жами тасдиқланган захиралари 2021 йилга келиб ўтган йилларга нисбатан 1,4-1,7 баробарга ошган. 2013 йилда энг кам 601,3 минг.м³/кун, 2021 йилда энг кўп 998,04 минг.м³/кун. Тасдиқланган сув захиралари кўрсаткичлари Сирдарё ва Марказий ЕОСК сувлари миқдори кўп, Ховост ва Дўстлик ЕОСКда эса сув миқдори кам эканлигини кўрсатди (2-жадвал).


Ер ости сувларининг кимёвий таҳлили. Вилоятда ер ости сувлари сифатини ўрганиш кузатув нуқталари кўплигини инобатга олган ҳолда, Охунбобоев, Бешбулок, Бахт, Сардоба-I, Гулистон-II, Мирзачўл сув олиш иншоотларидан (СОИ) олинган сувлар сифати аниқланган ва баҳоланган.




а)



б)



в)



г)

2-расм. Ер ости сувлари таркибидаги минераллашув, умумий қаттиқлиги, хлор ва сульфат миқдорларининг ўзгариш динамикаси (2007-2016 йиллар “Ўзбекгидрогеология” ДУК маълумотлари)

Тадқиқот йиллари давомида ер ости суви таркибидаги минераллашув миқдори РЭМ (1000 мг/л) дан ошмаган. 2007-2021 оралиғида минераллашув миқдорининг ўзгариши СОИлар бўйича Охунбобоев 12-206 мг/л, Бешбулок 36-96 мг/л, Бахт 70-188 мг/л, Сардоба-I 26-162 мг/л, Гулистон-II 14-90 мг/л ва Мирзачўлда 1-92 мг/л гача ўзгарган. Энг катта ўзгаришлар Охунбобоев ва Сардоба-I СОИлар сувига тўғри келади (2 а-расм).

Умумий қаттиқлик учун РЭМ 7,0 мг-экв/л эканлигини ҳисобга олсак, ушбу СОИлари суви умумий қаттиқлиги РЭМ дан ошмаган. 2021 йилда умумий қаттиқликнинг ўртачи миқдори 4 мг-экв/л, энг катта миқдори 4,9 мг-экв/л Охунбобоев ва энг кичик миқдори 2,8 мг-экв/л Бахт СОИ сувларига тўғри келади. (2 б-расм).


Хлор учун РЭМ 250,0 мг/л эканлигини ҳисобга олсак, ер ости суви таркибидаги хлор миқдори РЭМ дан ошмаган. 2021 йилда хлорнинг ўртача

миқдори 40,8 мг/л, энг катта миқдори 67 мг/л Мирзачўл ва энг кичик миқдори 18 мг/л Бешбулоқ СОИ сувларида кузатилган (2 в-расм).

Ер ости сувлари таркибидаги сульфатлар учун РЭМ 400,0 мг/л эканлигини ҳисобга олсак, ушбу СОИ лари суви таркибидаги сульфатлар миқдори РЭМ дан ошмаган. 2021 йилда сульфатларнинг ўртача миқдори 185 мг/л, энг катта миқдори 289 мг/л Сардоба-І ва энг кичик миқдори 103 мг/л Гулистон-ІІ СОИ сувларига тўғри келган (2 г-расм).

Ер ости сувлари таркибидаги аниқланган ва баҳоланган баъзи оғир металлларнинг миқдорлари СОИлар бўйича, хусусан, мис (Cu) энг катта миқдори 0,0091 мг/л 2007 йилда Гулистон-ІІ, энг кичик миқдори 0,0007 мг/л 2016 йилда Бахт, бериллий (Be) энг катта миқдори 0,00009 мг/л 2010 йилда Бахт, энг кичик миқдори эса 0,000008 мг/л 2013 йилда Гулистон-ІІ, молибден (Mo) энг катта миқдори 0,023 мг/л 2010 йилда Сардоба-І, энг кичик миқдори эса 0,0014 мг/л 2021 йилда Оҳунбобоев, мишяк (As) миқдори энг катта миқдори 0,0056 мг/л 2010 йилда Бахт, энг кичик миқдори эса 0,00014 мг/л 2021 йилда Бешбулоқ, кўрғошин (Pb) энг катта миқдори 2013 йилда 0,003 мг/л Гулистон-ІІ, энг кичик миқдори эса 2013 йилда 0,000003 мг/л Бешбулоқ, селен (Se) энг катта миқдори 2013 йилда 0,0082 мг/л Гулистон-ІІ, энг кичик миқдори эса 2016 йилда 0,00025 мг/л Бахт, стронций (Sr) энг катта миқдори 2010 йилда 3,4 мг/л Сардоба-І, энг кичик миқдори эса 2016 йилда 0,47 мг/л Бешбулоқ СОИларида аниқланган. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, элементларнинг миқдорлари ўзгаришларга учраган, РЭМ дан ошмаган ва бу яхши кўрсаткич ҳисобланади.

Вилоят иқтисодиётида ер ости сувларидан фойдаланиш ва ер ости сувлари миқдори ва сифатига таъсир этувчи омиллар. Вилоят халқ хўжалигида фойдаланилган ва вертикал дренаж орқали чиқарилган ер ости сувлари сарфи 2007-2021 йиллар оралиғида ҳар уч йил ҳисобида аниқланди ва баҳоланди (3-расм).



3-расм. Вилоят бўйича халқ хўжалигида фойдаланилган ва вертикал дренаж орқали чиқарилган ер ости сувлари сарфи динамикаси (2007-2019 йиллар ҳудудий гидрогеологик экспедициясининг маълумотлари)


Вилоятда фойдаланилаётган ер ости сувларининг 22-36 % хўжалик-ичимлик, 1-4% саноатда ишлаб чиқариш ва техник сув, 12-18,5% қишлоқ

хўжалигида экинларни суғориш мақсадлари учун ва 44,5-63,4 % қисми вертикал дренаж тармоғи орқали чиқарилган (3-расм).

Ер ости сувлари сифат кўрсаткичларининг ўзгаришига техноген объектлар, ер ости сувларининг асосий манбаларидан бўлган инфилтрацион сувлар таркибининг ўзгариши, минг-минг тонналаб захарли кимёвий моддалар кўмиладиган худудлар, ерлардан нотўғри фойдаланиш оқибатида ерларни мелиоратив ҳолатининг ўзгариши, оқова сувларни тозалаш иншоотларининг етарли эмаслиги, худудда мавжуд бўлган сув омборлари, Ховост ва Марказий ер ости сув конлари трансегаравий характерга эга ва кўшни давлатлар ер ости сувлари ва оқимлари ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Диссертациянинг **“Вилоят суғориладиган ерларида сизот сувлари сатҳи ва минераллашуви, коллектор-зовур сувларининг миқдор ва сифат ўзгаришларини аниқлаш ва баҳолаш”** деб номланган тўртинчи бобида суғориладиган ерларда сизот сувлари сатҳи ва минераллашуви даражаси ўзгариши динамикаси анъанавий ва геоахборот технологиялари орқали, иқлим омилларининг (ҳаво ҳарорати ва ёғингарчилик) сизот сувлари минераллашувига таъсири ва илк бор суғориладиган ерларда ҳосил бўлган коллектор-зовур сувларнинг миқдор ва сифат (кимёвий таркиби) кўрсаткичлари аниқланган ва баҳоланган.

Суғориладиган ерларда сизот сувлари сатҳи ўзгариши динамикасини аниқлаш ва баҳолаш. Суғориш талабларининг бузилиши ва коллектор-зовур тармоқларининг самарасиз ишлаши сизот сувлари сатҳининг ошишига олиб келиб, арид ва ярим арид минтақаларда ерларнинг шўрланишига олиб келади.




4-расм. 2000-2019 йиллар давомида сизот сувлари сатҳининг ўзгариш динамикаси (2000-2018 йиллар мелиорация экспедициясининг маълумотлари)

2000-2015 йиллардаги сизот сувлари минераллашувига нисбатан майдонларнинг ўзгариш динамикаси. Суғориладиган ерлар шўрланишини баҳолашда сизот сувлари минераллашувини аниқлаш ва баҳолаш муҳим амалий аҳамиятга эга. Агар суғориладиган ерларда сизот сувлари минераллашуви (ССМ) юқори бўлса, бундай ерларда шўрланиши даражаси ҳам юқори бўлади.

2000-2015-йиллар мобайнида вилоят суғориладиган ерларнинг тахминан 40% ини асосан 3-5 г/л минераллашувга эга бўлган сизот сувлари (ССМ) ташкил этган. ССМ 1-3 г/л га тенг бўлган худудлар 2000-йилда тахминан 85000 га (20%) ни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2015-йилда сезиларли даражада кўпайиб 125000 га (30%) га тенг бўлган ва ССМ 3-5 г/л бўлган майдонларнинг қийматига деярли тенг бўлган.

Географик ахборот тизимлари (ГАТ) ёрдамида 2016-2019 йиллар учун аниқланган сизот сувлари минераллашувининг туманлар кесимида ўзгариш динамикаси.

ССМ ни доимий мониторинг қилиш узоқ вақт ва кўп ҳаражатни талаб қилишини ва ГАТнинг афзалликларини ҳисобга олган ҳолда, ССМнинг вақт ва масофадаги ўзгаришларини ГАТ орқали аниқлаш ва баҳолашни тақозо этади.



5-расм. 2016-2019 йиллар бўйича Сирдарё вилояти туманларида суғориладиган ерларнинг сизот сувлари минераллашуви даражасига кўра тақсимланиши.

2016-2019 йиллар яъни 4 йиллик учун ССМ даражаларига кўра туманларинг вилоят бўйича тақсимланиши даражаси баҳоланди. Inverse Distance Weighting (IDW) интерполяцияси (*тескар*и ўлчаниб *тортилган масофа*) усули орқали яратилган 5-расм маълумотларига кўра, фақат 2018-йилда ССМ 0-1 г/л бўлган майдонлар харитадан бемалол кўз билан ажратиб олиш мумкин. Қолган йилларда эса 0-1 г/л минераллашувга эга бўлган майдонлар кам қийматларга эга бўлганлиги сабабли харитада деярли кўринмаган. 2016-2019-йиллар мобайнида ССМ 1-3 г/л бўлган майдонлар бошқа даражадаги минераллашувга эга майдонларга нисбатан кўпроқ

гектарларни ташкил қилган. Тадқиқот олиб борилган 4 йил давомида ССМ 1-3 г/л бўлган туманлар майдони сезиларсиз камайган. ССМ 3-5 г/л ва 5-10 г/л га тенг бўлган майдонлар 2019 йилда 2016 йил билан солиштирилганда нисбатан камайган. >10 г/л дан юқори бўлган ССМ таъсир майдони 4 йил давомида нисбатан ўсган.

IDW орқали олинган натижалари аниқлилик даражаси текширилиб чиқилди. Бунда бирламчи маълумотнинг IDW орқали олган маълумотларига, яъни ССМнинг ҳар бир классификациясига тўғри келадиган бирламчи майдон қиймати бир бири билан солиштирилди. Солиштириш натижасида IDW хариталари 84,1% ($p = 0,000033$) аниқликни берди ва келгусида ССМ ни ГАТ орқали баҳолашда кенг фойдаланишга асос яратди.

Иқлим ўзгаришларининг сизот сувлари минераллашувига таъсири. Иқлим ўзгаришларининг ССМ га таъсирини ўрганиш кўп жиҳатдан муҳим ҳисобланади.


3-жадвал

Иқлим омилларининг сизот сувлари минераллашувига ўзгаришини кўрсатувчи корреляцион коэффициентлар қиймати, (Персон корреляцияси)

Т/р	Маълумотлар	Сизот суви минераллашувига, г/л				
		0-1	1-3	3-5	5-10	> 10
1	Ҳаво ҳарорати, °С (Ёзги)	0,309	0,068	0,032	0,493	0,236
2	Ёғингарчилик, мм (Ёзги)	0,194	0,234	0,126	0,434	0,346
3	Ҳаво ҳарорати, °С (Қишки)	0,018	0,214	0,096	0,401	0,354
4	Ёғингарчилик, мм (Қишки)	0,112	0,128	0,029	0,286	0,454

Иқлим ўзгаришларининг (ҳаво ҳарорати ва ёғингарчилик) таъсири асосан юқори (5-10 г/л ва >10 г/л дан юқори) даражадаги минераллашган майдонларида кузатилган. Ҳаво ҳароратини кўтарилиши буғланиш натижасида суғориладиган ерлар ССМ ошишига сабаб бўлган (3-жадвал).


Суғориладиган ерларда ҳосил бўлган коллектор-зовур сувлари (КЗС) миқдори ва сифатини аниқлаш ҳамда баҳолаш. Сирдарё вилояти рельефи тўлқинсимон текислик бўлганлиги учун ҳам коллектор-зовур тармоқлари вилоятнинг ҳар бир худудига кириб борган.



6-расм. Вилоятда коллектор-зовур сувлари миқдорларининг йиллар давомида ўзгариш динамикаси, (2007-2016 йиллар мелиорация экспедициясининг маълумотлари)

Тадқиқот йиллари давомида ҳосил бўлган КЗС нинг ўртача миқдори 1923 млн.м³, энг кўп 2069,3 млн.м³ 2021 йилда, энг кам 1601,9 млн.м³ 2010 йилда ҳосил бўлган (6-расм).

2021 йил 1 октябрда ҳолатига кўра аниқланган КЗС таркибидаги минераллашув миқдорлари РЭМ дан Боёвут зовурида 1,2 баробар, Сардоба зовурида 3,3 баробар, Шўрўзак зовури қуйи қисмида, Етгисой ва Бош қабул қилувчи зовурларида (БҚҚЗ) 2,1 баробар, Марказий Мирзачўл зовури (ММЗ) бош қисмида 3,3 ва қуйи қисмида 3,5 баробар ошган (7-расм). Бу ёмон кўрсаткич ҳисобланади.



7-расм. 2021 йилда коллектор-зовур сувлари минераллашуви миқдорлари, мг/л (2021 йил 1 октябрда ҳолатига кўра)

2021 йил 1 октябрда ҳолатига кўра, КЗС таркибидаги кальцийнинг энг катта миқдори 318,64 мг/л, Марказий Мирзачўл зовури қуйи қисмида кузатилган ва у 2 баробаргача РЭМ дан ошган. Энг кичик миқдори Шўрўзак зовури бош қисмида 122,24 мг/л ни ташқил қилган. Шўрўзак зовури бош қисми, Боёвут ва Бош қабул қилувчи зовурларида кальций миқдори РЭМ дан ошмаган (4-жадвал).

4-жадвал

Коллектор-зовур сувлари таркибидаги катион ва анион миқдорлари, мг/л (2021 йил 1 октябрда ҳолатига кўра)

Намуна олинган жой	Катионлар миқдорлари, мг/л				Анионлар миқдорлари, мг/л			
	Ca ²⁺	Mg ²⁺	Fe ³⁺	NH ₄ ⁺	SO ₄ ²⁻	Cl ⁻	NO ₂ ⁻	NO ₃ ⁻
Боёвут зовури	138,28	59,58	0,1	<0,20	518,62	193,20	<0,02	16,86
Сардоба зовури	278,56	169,02	0,4	0,77	1553,38	111,67	<0,02	16,17
Шўрўзак зовури бош қисми	122,24	71,74	0,3	<0,20	565,54	469,71	<0,02	8,63
Шўрўзак зовури қуйи қисми	262,52	147,14	0,4	<0,20	1170,18	186,11	<0,02	10,95
Етгисой зовури	262,52	161,73	0,2	<0,20	1183,76	136,48	<0,02	6,98
БҚҚЗ зовури	146,29	120,38	0,2	<0,20	974,67	235,74	<0,02	7,52
ММЗ бош қисми	354,71	198,21	0,2	<0,20	1778,52	505,16	<0,02	10,45
ММЗ қуйи қисми	318,64	217,66	0,4	<0,20	1712,67	505,16	<0,02	12,79
РЭМ	180	40	0,3	0,39	400-500	250-350	0.02	45

Сульфат аниони барча анализларда РЭМ дан ошганлиги, энг катта

миқдори 1778,52 мг/л ММЗ бош қисмида, РЭМ дан 4 баробаргача, энг кичик миқдори 518,62 мг/л Боёвут зовурида аниқланган. Темир катиони Сардоба ва ММЗ қуйи зовурларида РЭМдан ошган (4-жадвал).

Коллектор-зовур сувлари таркибидаги аниқланган F, K, Na, Mn, Pb, Cu, Cr(IV), Zn, Ni, As ва Al элементлари миқдорлари таҳлиллари шуни кўрсатадики, F, K, Na, Cr (IV), Zn мидорлари РЭМ дан ошган бўлса, Mn, Pb, Cu, Ni, As ва Al миқдорлари РЭМ дан ошмаган.

Марказий Мирзачўл зовур суви минераллашуви РЭМдан 3,5, умумий қаттиқлик 4 баробарга ошган. Катион ва анион ҳамда оғир металллар миқдорлари қолган зовур сувларига нибатан 5 баробаргача кўплиги сабабли қайта фойдаланишга қатъий тавсия этилмайди. Боёвут ва Шўрўзак коллектор-зовурлари сувлари сифат кўрсаткичлари яъни аниқланган кимёвий элементлар миқдорлари бошқа зовурларга қараганда кам бўлганлиги сабабли вилоятда сув танқис бўлган йилларда суғориш ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун тавсия қилинади.

ХУЛОСАЛАР

“Сирдарё вилояти сув ресурсларидан барқарор фойдаланишнинг экологик жиҳатларини аниқлаш ва баҳолаш” мавзусидаги диссертацияси иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Вилоятининг умумий суғориладиган ерлари қарийб 289,13 минг гектарни ташкил этади ва ушбу ерларни суғоришда Сирдарё сувидан фойдаланилади. Сирдарё суви минераллашуви даражаси рухсат этилган меъёр (РЭМ) дан 1,3 баробар ошган. Катионлардан натрий 1,25, магний 2,2 ва анионлардан сульфат миқдори 1,4 баробар РЭМдан ошган ва ичимлик учун фойдаланишга тавсия этилмайди. Тадқиқот натижалари вилоятда сув ресурсларидан барқарор фойдаланишда муҳим ҳисобланади.

2. Илк бор 2000-2020 йиллар учун аниқланган Сирдарё сувининг ифлосланиш индекслари таҳлили дарё сувининг ифлосланиш индекси миқдорига нисбатан сув сифати II синфга тегишли, яъни инсон таъсири сезиларли. Сувнинг ифлосланиш индексининг энг кичик қиймати 2000 йилда 0,33, энг катта қиймати 2010 йилда 0,64 булган. Натижалар Сирдарё суви сифати мониторингини олиб боришда ва муҳофаза қилишда муҳимдир.

3. Вилоят ер ости сувлари захиралари 2021 йилга (998,04 минг.м³/кун) келиб 2007 йилга (697,16 минг.м³/кун) нисбатан 1,4 баробарга ошган. Ер ости сувлари 22-36 % хўжалик-ичимлик, 1-4% саноатда, 12-18,5% суғоришда ва 44,5-63,4 % қисми вертикал дренаж орқали чиқарилган. Ер ости сувлари таркибидаги баҳоланган элементлар миқдорлари РЭМ дан ошмаган ва вилоят аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашнинг асосий ва бирдан-бир манбаи ҳисобланади. Тадқиқот натижалари ер ости сувларидан барқарор фойдаланиш, миқдор ва сифат кўрсаткичлари мониторинг қилишда, сувларни ифлосланттирувчи омилларни аниқлашда ва муҳофаза қилишда муҳим ҳисобланади.

4. Тадқиқот йилларида сизот сувлари сатҳи турли даражаларда ўзгарган, 2019 йилга келиб 2000 йилга нисбатан сизот сувлари сатҳи 0-1,0 м ва 1,0-1,5 м бўлган майдонлар 2 баробарга (50%), 1,5-2,0 м бўлган майдонлар 2919 гектарга (5 %), 2,0-3,0 м бўлган майдонлар 7216 гектарга (4 %) камайган ва ССС 3,0 м бўлган майдонлар 1,7 баробарга (60%) кўпайган. Вилоятда ССС 0-1,5 м бўлган майдонлар бўлган майдонлар фақат Гулистон (4019 га) ва Сайхунобод (1096 га) туманларида аниқланганлиги, ушбу туманларда тупроқ шўрланиши ва ботқоклашиш жараёнларининг тезлашишига олиб келиши мумкин. Олинган натижалар суғориладиган ерларда тупроқ шўрланиши ва ботқокланишдан муҳофаза қилиш мақсадида фойдаланилган.

5. Вилоят суғориладиган ерларида 2000-2015 йиллар оралиғида сизот сувлари минераллашуви <1 г/л бўлган майдонлар (21-279 гектар) фақат 2013-2015 йилларда аниқланган. 3-5 г/л бўлган майдонлар умумий суғориладиган ерларнинг 40%, 1-3 г/л бўлган майдонлар 1,5 баробарга (41311 гектарга) ошган. ССМ 5-10 г/л майдонлар 1,8 баробарга (26499 гектарга), ва >10 г/л эга бўлган майдонлар 3,5 баробарга (3166 гектарга) камайган. Тадқиқот натижалари тупроқ шўрланишини баҳолаш ва башорат қилишда, суғориладиган ерларни муҳофаза қилишда ва улардан оқилона фойдаланишда муҳим ҳисобланади.

6. Вилоят учун илк бор ўрганилган иқлим омилларининг (ҳаво ҳарорати ва ёгингарчилик) сизот сувлари минераллашувига таъсири сизот сувлари минераллашуви даражалари ўзгаришига кучсиз даражада корреляцион (0,309-0,493) боғланган ва иқлим ўзгаришларининг таъсири асосан юқори (5-10 г/л ва >10 г/л дан юқори) даражадаги минераллашган майдонларида кузатилган.

7. Вилоят суғориладиган ерларида йилига ўртача 1923 млн.м³ коллектор-зовур сувлари ҳосил бўлади. Аниқланган ва баҳоланган барча коллектор-зовур сувлари минераллашув миқдорлари 1,2-3,5 баробаргача РЭМдан ошган. Марказий Мирзачўл зовур сувидан фойдаланишга қатъий тавсия этилмайди. Боёвут ва Шўрўзак зовурлари сувлари таркибидаги кимёвий элементлар миқдорлари бошқа зовурларга қараганда кам бўлганлиги сабабли сув тақчил бўлган йилларда суғориш мақсадида маълум миқдорда фойдаланиш учун тавсия қилинади.

8. Географик ахборот технологиялари ёрдамида сизот сувлари минераллашуви даражалари хариталари ишлаб чиқилган ва амалиётда қўллаш учун тавсия қилинган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ
СТЕПЕНИ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.03/27.02.2020.B.01.15. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ОДИЛОВ САРВАР АКРАМОВИЧ

**ОПРЕДЕЛЕНИЕ И ОЦЕНКА ЭКОЛОГИЧЕСКИХ АСПЕКТОВ
УСТОЙЧИВОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ВОДНЫХ РЕСУРСОВ
СЫРДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ**

**11.00.05 - Охрана окружающей среды и рациональное использование природных
ресурсов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве Высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером B2023.2.PhD/B961.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета: (www.nuu.uz) и Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Кулматов Рашид Анарович
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты: Каримов Бахтиёр Курамбоевич
доктор биологических наук, профессор

Буриев Салимжон Самеджанович
кандидат сельскохозяйственных наук, доцент

Ведущая организация: Самаркандский государственный университет

Защита диссертация состоится «06» января 2024 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/27.02.2020.B.01.15 при Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, ул. Университетская, д 4. Корпус Экологического факультета Национального университета Узбекистана, 2-й этаж, комната 203. Тел.: (+99871-246-67-72).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована под № 185). Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, ул. Университетская, д 4. Тел.: (+99871-246-67-72).

Автореферат диссертации разослан “15” декабря 2023 года.

(Реестр протокола рассылки № 16 от 15 декабря 2023 года).



Рахимова Тура Улюковна
Член диссертационного совета по присуждению ученых степеней, доктор биологических наук, профессор

Аставердиев Рустамжон Хамраевич
Член диссертационного совета по присуждению ученых степеней, кандидат биологических наук, доцент

Жабборов Зафаржон Абдкаримович
Председатель Научного семинара при разовом Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор биологических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в результате увеличения потребности к водным ресурсам в мировом масштабе и их нерационального использования, а также негативного воздействия антропогенных факторов приводит к изменениям свойств водных ресурсов, экологического статуса, увеличению индексов загрязнения. Это, в нынешних условиях изменения климата становится причиной недостатка водных ресурсов, изменению перспектив достижения рационального его использования, серьезным экологическим и социально-экономическим проблемам мирового масштаба. В связи с этим, определение и оценка количественных и качественных изменений водных ресурсов, изучать влияющие на это факторов, разработка мероприятий по их охране имеет важное значение.

В мире ведутся научные исследования по рациональному использованию водных ресурсов, определению количественных и качественных изменений подземных и надземных водных ресурсов. В частности, уделяется особое внимание определению индексов загрязнения водных ресурсов, уровня грунтовых вод, их степени минерализации, качественного и количественного состава коллекторно-дренажных вод, образованных на орошаемых землях, а также их оценке на основе геоинформативных технологий.

В нашей республике, исходя из потребностей и требований населения, особое внимание уделяется разработке комплексных мер по рациональному использованию и охране водных ресурсов. В связи с этим, только в 2019 году на площади 11 057 гектаров была внедрена технология капельного орошения. В 2023 году уровень централизованного снабжения населения питьевой водой был доведён до 74,4%, а службы водоотведения - до 18,9% .¹

В обращении Президента Республики Узбекистан к Олий Мажлису и народу Узбекистана 20 декабря 2022 года определены задачи, как «экология, особенно водные вопросы, становятся глобальной проблемой, наблюдается нехватка воды как в Узбекистане, так и в мире, засуха, обеспечение населения чистой питьевой водой, сохранение водных ресурсов и запасов подземных вод»². Исходя из этих целей и задач, в частности, определение и оценка экологических аспектов рационального использования водных ресурсов имеет важное научно - практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан №УК-5863 «Об утверждении концепции охраны окружающей среды Республики Узбекистан до 2030 года» от 31 октября 2019 года, Постановлением Президента Республики Узбекистан №ПП-4801 «О неотложных мерах по эффективному использованию водных ресурсов и улучшению мелиоративного состояния земель в Джизакской и

¹ Годовой отчет Министерства водного хозяйства Республики Узбекистан. 2019-2023 гг. Электронный доступ: <https://suvchi.gov.uz>

² Обращении Ппрезидента Республики Узбекистан Олий Мажлису и народу Узбекистана от 20 декабря 2022 года. Электронный доступ: <https://president.uz/uz/lists/view/5774>.

Сырдарьинской областях» от 11 августа 2020 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики: Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Во многих зарубежных странах мира проведены ряд научных исследований по изучению проблем водных ресурсов, их охране, определению и оценке качественных и количественных изменений. Эти исследования проводились такими зарубежными учёными как K.Choudhury (2001), F.Quiel (2003), S.Соломон (2006), J.Schutter (2011), C.Opp (2013; 2016), S.M.Sadat-Noori (2014), A.D.Werner (2014), L.K.Morgan (2014), T.R.Nayak (2015), A.Fadili (2015), M.Groll (2016), T.Gleeson (2016), K.M.Befus (2016), A.M.Ermeni (2016), M.Romic (2018), I.Soliyev (2018), Abi Stone (2019), C.Herbet (2019), P.Doll (2019), W.Zhang (2019), J.Abuduwaili (2019), P.Mondal (2020), Qi Jiaguo (2020).

В странах СНГ проводились исследования по изучению состояния водных ресурсов в условиях изменения климата, уровня подземных вод и изменения их минерализации в взаимосвязи с различными факторами, трансграничных водных ресурсов и их охране. Эти исследования отражены в работах Ю.Широковой (1999), А.К.Чернишова (1999), Т.Ососковой (2000), Б.В.Боревского (2003), Л.С.Язвина (2003), В.Духовного (2007), В.И.Соколова (2015; 2018), Г.Ч.Донбаевой (2016), М.М.Буракова (2016), С.В.Осипова (2016), Е.И.Панковой (2018), Е.Чембарисова (1996) и другими.

В Узбекистане, исследования, направленные на изучение состояния водных ресурсов, их качественных и количественных изменений, и разработке путей рационального их использования осуществлялись Ф.Ҳикматовым (2003), Д.П.Айтбоевым (2003), А.Насриддиновым (2008), Р.Эшчановым (2008), Х.Э.Якубовым (2011), А.Эргашевым (2011), Т.Э.Мавляновым (2011), Б.Каримовым (2011; 2014; 2019), П.Т.Андакуловым (2013; 2018), Т.Эргашевым (2016), А.А.Мавлоновым (2016), Б.Д.Абдуллаевым (2016), М.Х.Хамидовым (2017), Р.А.Кулматовым (2013; 2014; 2018; 2020), М.Иброхимовым (2019) и многими другими учёными.

